

А.Мамадалиев

ЧАНГ ЧОЛҒУСИ ВА УНИНГ ОИЛАСИ

Миллий мусиқа ижрочилигимиз тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб такалади. Археологик қазилмалардан топилган ёдгорликларда таърифланган қўлида арфа (чанг) ушлаган машшоқлар мусиқа санъатимизнинг қадимийлигидан далолат беради. Узоқ йиллар давомида арфа (чанг) чолғусининг ватани Миср ҳисобланган ва у қадимий ёдгорликларда ўз аксини топган (эрамыздан 3000-2500 йил олдин). Осиёдаги археологик ихтиролар эса чанг чолғусини янада қадимийлигидан далолат беради. Арфа (чанг) чолғусининг беш хили, яъни 3 та бурчакли ва 2 та ёйсимон арфалар тасвирлари Марказий осий халқларига тегишли эканлиги мутахассислар томонидан исботлаб берилган.

Ушбу чолғу араб мусиқасида «Қонун», Эронда «Сантур», ўзбек ва тожик анъаналарида «Чанг» деб номланган. Бир-бирига ўхшаш чолғуларнинг илк номи аслида «Шохруд» деб юритилган. Ўрта аср мусиқашунослик фанининг асосчиси Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробийнинг ёзишича бу чолғу Самарқандлик Хулайс ибн Ахвас томонидан Сўғдада ихтиро этилган бўлиб, сўнгра Бағдодда ва бошқа мамлакатларда тарқалган экан. Умуман «Чанг» араб, форс ва туркий адабиётларда хилма-хил бўлиб, эгри, чанг, чоғона, шудурғу, ятурғон атамалари остида берилган.

XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган бўлсада, ҳаётининг иккинчи ярми Темур саройида-Самарқандда ўтган ва Хиротда вафот этган Абдуқодир Ғойибийнинг (Мароғий) «Жама ал-алхан фи-илм ал-мусиқий» («Мусиқа илмида оҳанглар тўплами») рисоласида қонун чолғусини таърифлаб – чолғу трапеция шаклида ясаиб садо тараладиган кути, жами етмиш иккита учталиқ мис симлар тортилиб таранг созланган. Товуш қатори 24 бошқичдан иборат бўлганлиги ҳақида баён этилган. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий даврида чанг ижрочилиги кенг ривожланганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Чанг-якка чолғу сифатида ва жарангдорлиги билан бошқа созлардан алоҳида ажралиб турганлиги ҳақида кўплаб адабий манбаларда қайт этилган. Чанг чолғуси аёлларнинг сеvimли чолғуси бўлган.

Кўхна Бухорода яратилган Дарвиш Али Чангийнинг (XVII аср) мусиқа санъатига бағишланган рисоласида Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир соз ижрочилари ҳақида нодир маълумотлар берилган. Рисолада чанг чолғучилар ҳомийси – Зухрога бағишланган ва 14 босқичли чанг чолғуси тарифланган. Бу хилдаги чанг чолғусининг бир нусхаси бизгача етиб келиб Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган халқ чолғулари музейида сақланиб

келинмоқда. Машҳур муסיқашуност олим В.Беляевнинг «Ўзбекистон муסיқий чолғулари» рисоласида (Москва -1933й.) чанг созини ўзбеклар орасида кенг тарқалган ноёб соз бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилган. Олимнинг таъкидлишича, чангнинг ўнг тахта супасида 42 та бурама металл кулоқчалар ўрнатилиб, чап тахта супасига эса шунча миқдорда мих қозиқчалар қоқилган, устки қопқоғи бўйлаб 14 та ёғоч харраклар ўрнатилиб, устига бирлаштирувчи икки қалин жез симлар ўрнатилган. Еттитадан харраклар ўрнатилган иккита бўлинма бўйлаб 14 та товуш қаторига учталиқ симлар тортилиб, товушлар махсус калит билан тегишли баландликка созланган. Ўнг томондаги биринчи еттилик қатор кичик септима оралиғига тенг товуш қаторига созланган. Чап томондаги иккита еттилик қатор чап қопқоғининг ўрта қисмига харраклар ўрнатилаб, квинта оралиғига мослаштирилиб созланган. Жами 3 йўналишда жойлашган товуш қаторлар сони 21 тага етказилган.

Ушбу намунадаги чанг чолғуси муסיқий –ижрочилик амалиётида созандалар томонидан қўлланилиб якканавоз ва ансамбл ижрочиличигида ишлатилган. Ижрочилик амалиётида бир хил-урма зарб услуби билан товуш чиқариш йўли қўлланилган. Чангнинг жуфт чўплари ғаров (бам-бук) ёғочидан ясалиб, учларига ризина найчалар ўрнатилиб, бу чўплар чолғу турларига урулиб куй ва оханглар таратилади. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида барча ўзбек халқ чолғулари қаторида чанг чолғуси ҳам муסיқий ижрочилик амалиётида кенг қўлланила бошлаган. Устоз-шогирдлик анъаналари натижасида моҳир чанг чолғучилари етишиб чиққан давр ҳам бўлган. Марғилонлик Уста Олим Комилов, Наманганлик Уста Рўзмат Исабоев, Харазмлик Матюсуф Харратов, Тошкентлик Фахриддин Содиковлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири чанг созида ўзига хос ижрочилик мактабини яратиш билан бирга, чолғу ижрочилик санъатининг кейинги йилларидаги ривожига ўз тасирларини кўрсатдилар. Чанг чолғуси асрлар давомида такомиллашиб, авлоддан-авлодга, яъни бизгача етиб келган муסיқий ҳаёт тақозоси билан ўзбек халқ чолғуларини замонга хос такомиллаштириш зарурияти туғилди. 1940-йилларда халқ чолғуларини яшаш ва такомиллаштириш бўйича махсус устахоналар очилди. Намангандаги муסיқа устахонасига таниқли халқ созандаси Уста Рўзмат Исабоев (1885-1964) бошчилик қилди. У ижрочилар томонидан кенг қўлланилган ярим хроматик чангни бир неча нусхасини ясаб тайёрлади. Тошкентдаги устахонада машҳур чолғулар устаси Уста Усмон Зуфаров (1899-1981) чанг чолғусини янги нусхаларини яратди.

Хоразмда эса машҳур халқ созандаси, бастакор Матюсуф Харратов чангни такомиллаштириш устида сабот билан ишлади. Изланишлар натижасида Матюсуф Харратов созандалар Фахриддин Содиков, ўз ўғли Фозил Харратов ва Ахмад Одиловлар билан ҳамкорликда чангнинг юқори пардаларини қўшимча торлар ва харраклар ҳисобига кенгайтиради. Ушбу ўзгаришларни созандалар маъқуллашади.

Шундай қилиб у ижрочилик амалиётига тадбиқ этилади. Чолғуга киритилган яна бир янгилик, чолғу бир октава кўтариб созлашга мослаштирилди. Бу эса бирмунча чангнинг ихчамлашувига сабаб бўлди. Чанг чолғусининг янги нусхаларини яратиш Санъатшуностлик институти тасарруфидаги мусиқа устахонасининг усталари: У.Зуфаров, З.Зокиров, С.Э.Диденколарнинг зиммаларига юкланади. Янги нусхадаги чанг таниқли ижрочи ҳамда тадқиқодчи - Ашот Иванович Петросянц ташаббуси билан Тошкент мусиқа билим юртида ва у раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғулари оркестрида синалди ва маъқулланди (1943й.). Натижада чанг сози таълим тизимига киритилди. Шоакбар Шоакрамов, Абдусамат Илёсов, Ашраф Ашрапов, Маҳаммаджон Расулов ва Аҳмад Одиловлар ўқув даргоҳида таълим олган биринчи ижрочилардан бўлишди ва бу ижро услуги тизими йўлга қўйилди, кўзланган мақсад ўз тастиғини топди.

Ўзига хос яратилган чанг чолғуси тез орада ижрочилик амалиётида қўлланила бошлади ва кенг оммалашди. Мусиқа чолғуларини ясовчи усталар чанг созига қалб кўри, кўз нури ва эришган тажрибаларини сарфлаб, нақшинкор безакли чанглар ясай бошладилар. Чангнинг товуш сифати, садоланиши ва жарангдорлиги, тараннум жозибаси кўп сонли тингловчилар эътиборини ўзига жалб этди. Бу типдаги чанг чолғулари Ўзбекистон радиоси чолғу ансамблида, Муқимий номидаги республика мусикали драма театрининг чолғулар оркестри жамоасида, Ўзбекистон давлат филармонияси тасарруфидаги ўзбек халқ чолғулари ансамбллари таркибида ўз ўрнини топди.

Шу билан бирга чанг чолғусини тизимли тарзда такомиллаштириш ишлари тўхтамади. А.И.Петросянц раҳбарлиги остида бир гуруҳ соз усталари ва созандалар: Уста Усмон Зуфаров, С.Е.Диденко, М.Харратов, А.Одилов, Ф.Харратовлар чанг чолғусини янада такомиллаштиришга эришдилар. Улар товушқатор тизими асосига хроматик товушқатор, яъни ўн икки босқичли равон ораликларга бўлинган товушқатор қабул қилинди. Пировардида, кичик октава «Соль» товушидан, учинчи октава «Ми» товушигача диапазон кенгайтирилди. Кейинчалик А.Одилов ўз устози А.Петросянц билан ҳамкорликда нафақат чангнинг янги намунаси, балки «Чанг ижрочилиги мактаби»ни яратишга муваффақ бўлишди: биринчидан –чолғуни товуш жарангдорлиги сифати янгиланди, товуш кучи сузиларли даражада ошди, товуш диапазони кенгайтирилди; иккинчидан –мустаҳкам ва сифатли чангларни оммавий равишда ишлаб чиқариш мақсадида чанг яшашнинг бутунлай янги технологияси жорий этилди; учинчидан-чангнинг товуш чиқариш йўллари тўғри аниқлаб, уларни илмий-назарий йўсинда исботлаб, чанг ижрочилигини янги «мактаб»ида ўқитишни тадбиқ этиш каби ишлар амалга оширилди. Чангнинг диапазони янада кенгайтирилиб, унинг товуш қатори 2 тонга кўпайтирилди. Янги чанг чолғусига товуш сўндирғич механизми ўрнатилди. Ўнг оёқ ёрдамида тепки (педаль) воситасида

товуш сўндириш услуби жорий этилди ва бу таклиф чанг ижрочилари ва муסיкий-жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди, амалиётга тадбиқ этилди.

Такомиллаштирилган чангнинг асосий тури бўйича юқори товушли, ўрта ва паст товушларга мансуб чанглар оиласи: чанг-прима, чанг-пиккало, чанг-тенор, чанг-бас чолғулари яратилди. Мазжуд чангнинг ижрочилик имкониятлари кенгайтирилди, янги товуш чиқариш йўллари яратилди. Чанг чоғусида янги товуш чиқариш йўлари, ижрочилик услублари А.Одилов ва А.Петросянцларнинг «Чанг дарслиги»да (Тошкент, 1976 йил, «Ўқитувчи» нашриёти) кенгайтирилиб, расмийлаштирилди. Эндиликда чанг созида товуш чиқариш йўллари биттадан тўртагача оширилди. Булар: 1.Урма зарб-асосий товуш чиқариш йўли. Чанг чўпларини торларга биринкетин уриб товуш ҳосил қилиш; 2.Чўп чертмак.*Pizzicato col legno (pizz.col legno)*-чўпларни орқа ясси қисми билан тирнаб(чертиб) чалиш; 3.Бармоқ чертмак. *Pizzcato (pizz.)*-қўл бармоқлари билан чанг торларини майин чертиб чалиш;4. Чўп тарак. *Col legno (col leg.)*-чўпнинг орқа ясси қисмида чанг торларини чиқиллатиб уриб чалиш. Чанг чолғусида штрихлар, яъни ижрочилик санъатига оид услублар ҳам «Чанг дарслиги»да шаклланади, умумлаштирилди, илмий асосда исботланиб китобга киритилди ва қуйидаги янги атамалар берилди:

1. *Калта урма зарб (стаккато)*. Чанг чўпларини торларга уриб, енгил, узиб-узиб, сакратма товуш ҳосил қилиш;
2. *Рез (тремоло)*. Чанг чўпларини торларга тез-тез алмашиб уриб ёки чўпларнинг орқа ясси қисми билан давомли чертиб, рез ҳосил этиш;
3. *Боглама (легато)*. Товушларни бир текис улаб, чўплар билан торлардан торларга узлуксиз майин ўтиб чалиш;
4. *Сурдинали (бўғма). калта зарб (стаккато кон сардино)*. Жаранглаб турган чанг торларини чап қўл бармоғи билан тез-тез товуш сўндириб, калта бўғиқ товуш ҳосил этиш;
5. *Тебратма (вибрато)*. Чўп чертмак услубини қўллаган ҳолда жаранглаётган ён қаторига туташган қисмини бўш қўлнинг ўрта бармоғи билан аста тўлқинлантириб тебратиб чалиш;
6. *Чўп сирғатма (глиссандо)*. Чўпнинг орқа яланг қисми билан бир товушдан иккичи товушга пасдан юқорига ёки юқоридан пастга чўплар билан товушларни сирғантириб чалиш.

Турли манбаларда эътироф этилишича, чанг чолғусига ўхшаш созлар, жаҳон халқларининг муסיкий ижрочилик амалиётида ҳам вақти-вақти билан таъмирланган

ва такомиллаштирилган. Ҳозирги кунда чангсимон созлар оркестр ва ансамбл ижрочилигида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Улардан айримларининг номларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Цимбал (Венгрия, Польша, Украина, Белорусь халқлари чолғуси);
2. Сантур (Эрон, Кавказ орти халқларида учрайдиган чолғу);
3. Гусли (Рус халқ чолғуси);
4. Кокле (Латиш халқ чолғуси);
5. Кантеле, канклес (Литва халқ чолғуси);
6. Каннель (Эстония халқ чолғуси);
7. Кото (Япония халқ чолғуси);
8. Йочин, ятағ (Бурятия халқ чолғуси).

Юқорида қайт этилган чолғуларда ҳам чўплар билан торларни уриб чалиш, қўл бармоқлари ёки махсус чертмақлар билан торларни чертиб товуш чиқариш йўллари мавжуд. Уларнинг ўзига хос ижрочилик мактаблари ҳам яратилган. Янги йўналишдаги «Чанг мактаб»ининг шаклланиши, чанг чолғусини такомиллаштирилиши натажасида ижрочилик амалиётида ўзига хос чанг ансамблларини тузиш имкониятини яратди. Қадимий чолғуларимиздан бири ҳисобланган ноёб чанг чолғусига моҳир усталарнинг ижодий изланишлари туфайли қайтадан янги ҳаёт бахш этилди.